



СУВ БУ ТУГАМАЙДИГАН РЕСУРС ЭМАС

Абдуллаев Ботир Дадажанович¹

Ибрагимова Нигора Эркиновна²

¹Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

²Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент вилояти партия ташкилоти бош мутахассиси

Телефон: 99897. 035-05-89

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7115070>

ARTICLE INFO

Received: 22nd September 2022

Accepted: 24th September 2022

Online: 27th September 2022

KEY WORDS

Ресурсларининг, реализация, трансчегаравий, экотизимларининг, гидроэнергетика, гидросферадаги, таъминланганлиги, технологиялар, тамойиллари, инновацион.

Дунё миқёсида муаммо бўлиб келаётган табиий нематимиздан бири бу сувдир. Шундай экан бизга берилган ушбу нематни қадирлашимиз лозимдир. Қадимда бир мақол бор “Сувга тупурма” “Сувгв супурма” “Сув—бу ҳаёт”, “Сув зар — сувчи заргар”, деб бежизга айтилмаган. Шу сабабли, ота-боболаримиз сувни тоза сақлаш ва муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланишга алоҳида этибор берганлар. Чунки табиий бойликлар орасида сув алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у тириклик манбаидир. Зеро, инсоният ҳаёти сув ва сув манбалари, аввало, чучук сувдан оқилоналик билан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни тақозо этади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кундаги табиий офатлар, сув

ABSTRACT

Сув ресурслари табиатда айланиш жараёнида қайта тикланиб туриши билан фойдали қазилмалардан фарк килади. Лекин бу сув ресурсларини табиатда чексиз миқдорда дегани эмас.

етишмовчилиги, сув тошқинлари, сув ресурсларининг ифлосланиши ва трансчегаравий сув муаммолари дунё халқларини яна бир бор сув ресурсларига нисбатан жиддий эътибор беришга ундамоқда.

Шунингдек сув ресурслари тақчиллиги Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида кузатилгани каби, Республикамизда ҳам ўз таъсирини сезиларли даражада кўрсатмоқда. Негаки, Ўзбекистон минтақа давлатлари орасида тобора ўсиб бораётган аҳолиси ва табиий экотизимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик эҳтиёжларини қондириш, барқарор ривожланишни таъминлаш учун сувга бўлган талаби юқори даражада сақланиб турибди.



Сув дунёдаги энг муҳим ва айни пайтда энг арзон табиий ресурсдир. Бизга аждодлардан мерос бўлиб келаётган миллий кадриятлар ва урф-одатларимизда сувни кадрлаш, уни тоза сақлаш борасидаги маълумотларни билишга қарамасдан, афсус, бугунги кунга келиб ҳаёт учун зарур бу ресурс ҳаддан ташқари кўп сарфланади. Сув манбалари чексиз эмас. Агар ҳозирдан сув тежаш маданияти кенг сингдирилмаса ва ушбу ресурсни асрашга доир кескин чоралар кўрилмаса, бу ҳолат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммоларга олиб келиши муқаррар.

Сув ресурслари табиатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. Аҳоли сонининг ўсиши, кўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни кўпайиши билан сувнинг аҳамияти янада ортиб боради.

Сув ресурслари денганда сув объектлари — дарё, кўл, денгизлар ҳам тушунилади, чунки улардан кема қатнови, гидроэнергетика, балиқ хўжалиги, дам олиш, туризм ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Сув ресурслари – бу гидросферадаги доимий ва табиатда айланиши жараёнида кайтадан тикланиб турувчи сув захираси бўлиб, унга океанлар, денгизлар, дарёлардаги сувлар, музликлар, ер ости ва тупрок сувлари, атмосферадаги сувлар киради. Сув ресурслари унга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ҳамда унинг захирасини кўпайтириш ва ундан тўғри фойдаланишни талаб этади.

Сув ресурслари табиатда айланиш жараёнида қайта тикланиб туриши билан фойдали қазилмалардан фарк

килади. Лекин бу сув ресурсларини табиатда чексиз миқдорда дегани эмас. Қонуний жиҳатдан қарайдиган бўлсак Ўзбекистон республикасининг қонуни Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунни 22.07.2022 йилдаги ЎРК-784-сонли қонуни қайта кўриб чиқилди ва ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу Қонуннинг мақсади ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Шунингдек Қонуннинг амал қилиши ичимлик сувини қадоқланган тарзда, товар белгисидан ва хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришга ҳамда реализация қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

истеъмолчи — ичимлик суви таъминоти ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлардан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахс; Истеъмолчилар ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларнинг узлуксиз ва хавфсиз кўрсатилишини, шунингдек ўз ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавф туғдирмайдиган сифатга ва миқдорга эга бўлган ичимлик суви берилишини шартнома шартларига мувофиқ талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бугунги кунда хар бир фуқаро тоза ичимлик сувини истемол қилишга ҳақлидирлар. Ушбу қонунда аҳоли ичимлик сувидан қандай фойдаланишлари тўғрисида яққол кўрсатиб берилган. Олдинги статистик маълумотларга қараганда Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани ичимлик



суви билан таъминланганлиги 7% кўрсатилган эди. Аслида эса Ғузор туман аҳолиси 2% ичимлик суви билан таъминланган экан. Бази бир ситатистик малумотларга қараганда ичимлик сувдан оқилоналик билан фойдаланмасак 2055 йилларга келиб Республика миқёсида тўртда ҳудудда ичимлик суви сақланиб қоларкан. Шуниси маълумки сув манбалари абадий эмас.

Ҳаммамизга маълумки, кейинги ўн йилликларда саноат ва қишлоқ хўжалигининг жадал суръатда ривожланиши чучук ер ости сувлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса ўз навбатида сув захиралари ҳажмининг сезиларли даражада қисқариши ҳамда сув олиш иншоотларининг рухсатсиз қурилишига, сувни назоратсиз олиш оқибатида эса айрим манбаларда сув захираларининг кескин камайиши ва тугашига олиб келди.

Оллоҳ яратган ҳар бир нарсанинг жони бор у ҳис этади, шу жумладан Қуёш Ерга қараб шундай деган экан: “Менинг нурум таъсирида, сув ёрдамида сенинг сиртингда ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, инсоният пайдо бўлган эди. Бу ҳамкорлигимиз натижаси эди. Буни сен яхши биласан. Энди эса Инсон фаолияти натижасида ҳаммангизни нобуд бўлишингизга сабабчи бўлаяпман. Эй, дўстлар: Ер, ҳаво, Сув мендан хафа бўлманглар, айбдор мен эмас, Инсон, Инсон. Сувдан буғланиб чиқадиган турли хил заҳарли, ифлос химиявий моддалар, тузлар таркибимни ифлослаяпти. Табиий ҳолатим бузилди. Бағримга қўшилган заҳарли моддалар яна ёмғир билан ерга тушади ва дарахтлар суғорилади. Ерни, сувни

ифлослайди. Бу ифлос сувдан Инсон ичади.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим масала эканлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш, шу жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Қолаверса, бугун сув ресурсларини муҳофаза қилишда янги, тежамкор технологиялар, сувдан фойдаланишнинг ёпиқ циклини жорий қилиш, оқова сувларни биологик тозалаш, экологик хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан арзон ҳамда самарали усуллари яратиш давр талабидир. Бундан ташқари, Интернетга уланиб, суғориш натижасида жарима тўлаш эҳтимолининг олдини олиш учун ҳокимият томонидан сувдан фойдаланишда қандайдир чекловлар мавжудлигини билиб олиш имконини беради.

Ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарнинг сув ресурсларидан қандай фойдаланаётгани ҳақида бизда маълумот деярли йўқ. Албатта, бу корхоналар қонунан ўрнатилган атроф-муҳит ва сув тўловларини тўлайдилар, лекин, бу оз миқдордаги тўловлар уларнинг атроф муҳитга етказаётган барча зарарни қоплайдими

Иқлим ўзгаришининг ёмғир билан тўйинувчи сув манбалари сатҳининг камайишига таъсирини, шиддат билан ўсиб бораётган аҳолининг сувга бўлган талабини назарда тутсак, бугунги кунда сув таъминоти сиёсати ва тизимлари мослашувчан ва инновацион бўлиши, барқарорлик тамойилларига асосланган бўлиши лозим. Аммо танганинг икки



томони ҳам бор деганларидек, ичимлик суви билан таъминлаш борасида мамлакатнинг ҳар бир нуқтасида ислохотлар қилинаётган шу кунларда ҳам инсонларни бу мавзудаги дардларига бутунлай барҳам берилгани йўқ

Шу боис сувни тежаб ишлатиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Оғриқлар ила инграётган орол дарди ҳам барчамизники! Фойдаланишга суви йўқ, минглаб чақиримлардан кундалик эҳтиёжлари учун сув ташиб яшайдиган инсонларга осон эмас албатта. Бу эса қўшиб ёзишлар, ёлғон маълумот ва қарздорликларни урчишига сабаб бўлмоқда. Агар ҳолат шу зайлда давом этаверар экан ичимлик суви пулини тўламаган “қарздорлар” камаймайди. Ичимлик суви муаммоси эса ич-

ичимиздан емираётган муаммо бўлиб қолаверади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, табиат инсонларнинг барча моддий ва маънавий, руҳий эҳтиёжларини қондирувчи асосий манбадир. Шундай экан, табиат бизга эмас, биз табиатга муҳтожмиз! Табиатни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш барчамизнинг муқаддас ва конституциявий бурчимиздир. Зеро, она табиат аждодлардан қолган мерос эмас, балки авлодлардан олинган ва келажак учун қолдиришимиз зарур бўлган бойлиқдир. Биз ушбу маконимизни асраб-авайлаб, келгусида биздан сўнг келувчи келажак авлодларга бешикаст етказишимиз кераклигини унутмаслигимиз зарур!

References:

1. Абирқулов Қ.Н Ножиматов А.Н.Ражабов Н.Р. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш (ўқув қўлланма) – Т.ТИУ,2004 – 116 б
2. Салоҳиддинов А ва бошқалар “Атроф муҳитга бўладиган таъсирни баҳолаш” фанидан ўқув қўлланма. ТТошкент 2010 й-104 бет.
3. <https://water.usgs.gov/edu/watercycleuzbek.html>
(<https://water.usgs.gov/edu/watercycleuzbek.html>)
4. <http://iarc.uz/yangiliklar-va-elonlar/yangiliklar/er-osti-suv-zaxiralaridan-oqilona-foydalanmasak,-bizni-nima-kutmoqda>.